

4 – SON / 2022 - YIL / 15 - DEKABR

**ТАБИАТ БИЛАН ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИКНИ
ТАДҚИҚ ЭТИШДА ЭТНОЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАРНИНГ ЎРНИ.**

Н.Комилова.

Фаргона давлат университети, география кафедраси в.б.доценти.

Ж. Мадрахимов

Фаргона давлат университети география йўналиши магистри.

Аннотация: Табиат, этноэкология, ландшафт, тузилган жой, ривожланиш жойи, хўжалик маданий тур.

Жаҳонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг йўналишларидан бири сифатида маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш яъни, этноэкологик маданиятига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жаҳон халқларининг табиатдан мувозанатли, тежамкор фойдаланишга йўналтирилган кўникма, малака, одат ва таъкиqlарни ўзида мужассамлаштирган этноэкологик маданиятдан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли масканларини ҳудудий ташкил этишда, рекреацион объектлар тўрини такомиллаштиришда фойдаланиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Л.С.Берг этносларни атроф-табиий муҳит билан бўладиган алоқасида мослашувчанликка асосий омиллардан бири сифатида қараб шундай ёзади: - «Географик ландшафт тирик организмларга (инсонга ҳам) мажбурий таъсир кўрсатиб, уларнинг тур имконияти даражасида маълум йўналишларда ўзгаришига мажбур қиласди. Тундра, ўрмон, дашт, чўл, тоғ, сувли муҳит, оролдаги ҳаёт ва бошқалар барчаси тирик организмларда ўзининг алоҳида изини қолдиради. Юқоридаги муҳитга мослаша олмаган турлар бошқа географик ландшафтга кўчиб кетади ёки нобуд бўлади».

Хар бир этноснинг ягона тизим ҳолида шаклланишига сабаб бўладиган жойларни П.Н.Савицкий (1927) инсонларнинг «Туғилган жойи» тушунчасига мос аналог сифатида этносларнинг «Ривожланиш жойи» деб атайди. Унинг ёзишича жой ва унинг табиий-иклим шароити кишиларнинг турмуш тарзига, хўжалик юритиш тизими ва маданиятига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказади. Бу таъсирга мослашиш механизми ишлаб чиқиласди ва авлоддан-авлодга бериб бериб борилади. Бундай механизм сифатида халқларда шаклланган кўникма, малака ва анъаналар келтириб ўтилади.

Хўжалик-маданий турлари ва тарихий маданий вилоятлар концепцияси М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров (1955) томонидан ишлаб чиқилган, Б.В.Андринов (1972; 1975) томонидан такомиллаштирилган. Бугунги қунимизда ушбу концепция бўйича маълум ҳудуднинг «табиат-аҳоли-хўжалик» тизимини ўзаро алоқадорликда ўрганиш имконияти яратилди. Таълимот асосчиларининг фикрларига кўра, «хўжалик-маданий

турлари» деганда, маълум табиий географик шароит ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражасида яшовчи халқларга тегишли бўлган, тарихан шаклланган хўжалик ва маданиятнинг ўзига хос мажмуаси тушунилади;

Бундай турларнинг шаклланишида хўжаликнинг йўналиши ва географик муҳитнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланади. Бир хил географик муҳитда яшовчи турли халқларда шунга мос ҳолда «хўжалик-маданий» турлари бўлиши, тарихий ривожланиш натижасида бир тур ўрнига янгиси, иккинчиси келиши мумкин. «Хўжалик-маданий турлари» концепцияси орқали ер юзасининг табиий шароит ва табиий ресурслар билан таъминланганлиги бўйича хилма-хиллиги оқибатида юзага келган инсониятнинг маданий табақалашувининг (дифференцияцияси) моҳияти очиб берилади. Бу хўжалик юритиш, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа соҳаларда турли хил маданий мослашув натижаларига яъни, «хўжалик-маданий турлар»ини юзага келишига сабаб бўлади.

«Тарихий-маданий вилоятлар концепцияси»да эса, турли макон ва замон шароитида, халқларнинг ўзаро таъсири натижасида инсониятнинг маданий табақаланиши акс этади, яъни, маконда бир-бирига яқин бўлган халқларнинг маданияти турлича бўлиши ва аксинча холатлар узоқ маданий алоқаларнинг натижаси бўлиши мумкинлиги айтилади.

Юқоридаги хўжалик-маданий турларни районлаштириш (кичик таксономик бирликларда) масаласи этнологияда у қадар яхши ўрганилмаган. Районлаштириш бирликлари сифатида зона, провинция, област, район олиниши мумкинлиги айтилади.

Мазкур ғояларда биз учун энг муҳим бўлган нарса хўжалик-маданий турларини ва тарихий-маданий вилоятларни юзага келишидаги энг муҳим жиҳат экологик аниқроғи геоэкологик омилнинг тан олинишидир. Гарчи этноэкологик ёндашувда ижтимоий соҳа вакилларининг концепциялари устивор ўрганилаётган бўлса-да, бу ғояга ҳамоҳанг келадиган маданий ландшафт (К.Зауэр, 1974; Л.С.Берг, 1915; Л.Н.Гумилев, 1990; А.Г. Исаченко, 2003; В.Н.Калуцков, 2009; М.В.Рагулина, 2005) тушунчаси географик йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларга кўпроқ мос келади.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тадқиқ этишдаги илмий қарашлар ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жамиятдаги, илмий билиш кўламининг кенгайиши, маълумотлар банкининг ортиб бориши билан табиатнинг кишилилк жамиятига ва аксинча таъсирларни баҳоловчи турлича илмий қарашлар юзага келди. Улар орасида этноэкологик ёндашув ва этноэкология йўналиши жадал ривожланиб бормоқда.

Этноэкология ёки унинг синоними сифатида ишлатиладиган «этник экология» иборасини МДҲ давлатларига олиб кирган В.И.Козловнинг (1983) фикрича, **«этноэкология** бу- этнография билан инсон экологияси (ижтимоий экология) оралиғида жойлашган, этник география, этнодемография ва этник антропология билан туташиб қолган жойлари бўлган илмий йўналиш»дир. Илмий йўналиш сифатида у ўз олдига қўйидаги вазифаларни ўрганишни кўяди:

-табиий ва ижтимоий-маданий яшаш шароитига эга бўлган этник жамоаларни ёки бутун этносларни анъанавий ҳаётни қўллаб - қувватлаш тизимидағи хусусиятларни;

- мавжуд шаклланган экологик алоқадорликни кишилар саломатлигига таъсирини;

-этносларнинг табиий қобиқдан фойдаланишдаги ўзига хосликлар ва уларни ушбу қобиқقا таъсирини;

-этносларнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини;

-этноэкотизимларни шаклланиш ва фаолият кўрсатиш қонуниятларини.

Юқорида, асосан, география фанларини ўрганиш соҳасига яқин бўлган вазифаларнигина ажратилди. Бундан ташқари, мавжуд этноэкологик маданиятни кишилар саломатлигига таъсири, табиатдан фойдаланиш борасидаги этносларни ўзига хос меҳнат қуроллари ясами, кийиниши, уй-жой қуриш маданияти каби мавзулар ҳам бор, улар кўпроқ этнология, медицина ва экология фанларининг ўрганиш доирасига тегишлидир. Этноэкологиянинг юқоридаги яқин, бироз кенгайтирилган таърифи ва вазифалари Ю.И.Гладкий, Н.А.Ямков томонидан ҳам берилган.

Бироқ, этноэкологияга торроқ маънода, тадқиқот обьектларини аниқрок белгилаш имконини берадиган ёндашувлар ҳам мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, фанга этноэкология атамасини киритган америкалик этнограф Г.Конклин (1954 йил) мазкур илмий йўналишнинг вазифасини табиат ҳақидаги ҳалқ билимларини жамлаш ва уларни атроф муҳит билан бўладиган алоқада қўллаш усусларни ишлаб чиқишдан иборат деб кўрсатади. Кейинроқ, бу йўналиш «анъанавий экологик билимлар»ни (TEK – traditional ecological knowledge) ёки «маҳаллий экологик билимлар»ни (LEK – local ecological knowledge) ўрганиш йўналишида жадал ривожланди. Бугунги кунда эса этнолкологик тадқиқотларнинг катта қисмини сиёсий экология (political ecology) йўналиши эгаллаб бормоқда .

Ф.Р.Итс (1990) этноэкологияга асосий вазифаси этносларнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини ўрганиш бўлган илмий йўналиш сифатида қарайди. И.И.Крупник фикрича, этноэкология «этник жамоаларнинг атроф-муҳитни моддий ва маънавий жиҳатидан ўзлаштиришлари ва унинг ресурсларидан фойдаланишдаги ўзаро алоқалари шаклини ўрганувчи-этнографиянинг алоҳида бўлими». И.И.Крупник ўз тадқиқотларида этносларнинг турмуш тарзини чуқур таҳлил қилиб, унинг моддий томонларидан ташқари маънавий томонларини ҳам очиб берди.

Хорижда яратилган маданий экологияда ҳам МДҲ давлатларида кенг тарқалган этник экологияда ҳам асосий эътибор кишилиқ жамиятининг атроф-муҳитга мослашиш жараёнини ўрганишга қаратилган. Бу жараёнда маданият табиатга мослашишни амалга оширадиган восита сифатида қаралган. Маданият ёрдамида кишилар нафақат у ёки бу табиий муҳитга вақт давомида мослашиб боргандар, балки

маълум даражада мазкур табии мухитни қайта ўзгартириб, «маданий ландшафт»лар яратганлар.

Табии мухитга мослашувнинг воситаси сифатида маданиятни ҳар томонлама ўрганиш зарурлиги ҳақидаги концепция Э.С.Маркарянга (1983) тегиши. Унинг фикрича, мослашувчанлик бу -жамиятни ижтимоий-маданий жиҳатидан қайта қуриш жараёнидир. Ўз навбатида, жамият доимо ҳаракатда ва ўзгарувчандир. Мослашувчанлик бир томондан жамият ичидағи маданий ўзгаришларни ҳаракатга келтирүвчи куч бўлса, бошқа томондан, атроф яшаш мухитнинг «маданийлашиб» ўзгариб боришини таъминлайди ёки географияда ўрганиладиган «маданий ландшафт»лар яратилишига сабаб бўлади.

В.П.Алексеевнинг антропогеоценоз, И.И.Крупникнинг этноэкотизим концепциялари бир-бирини тўлдириб, этноэкологик тадқиқотларга тизимли ёндашув олиб кирилишига сабаб бўлди. Антропогеоценоз, В.П.Алексеев бўйича, алоҳида тизим бўлиб, унинг таркибий компонентлари сифатида хўжалик юритувчи жамоа, унинг ишлаб чиқариш фаолияти ва ўзлаштирилаётган (эксплуатация қилинаётган) ҳудуд олинади. Хўжалик юритувчи жамоанинг асосий кўрсаткичлари сифатида унинг сони ва демографик таркиби ўрганилса, ишлаб чиқариш фаолияти жамоа аъзоларининг билим ва қўнималари, иш қуроллари ва унумдорлиги орқали очиб берилади. Бироқ, В.П.Алексеев ўзлаштирилаётган ҳудудни тавсифламайди. Аслида бу ҳудуд ўзининг табиий-географик мухити, табиий шароити ва ресурслари билан юқоридаги компонентлар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади ва география фанини ўрганиш доирасига киради. Бу алоқадаги ягона қарашлар этнограф ва географлар томонидан белгилаб берилган.

И.И.Крупник юқоридаги модел терминларини бироз ўзгартириб, тўлдириди ва этноэкотизимнинг компонентлари сифатида «хўжалик юритувчи жамоа», «ўзлаштирилган ҳудуд», «уй ҳайвонлари популяцияси», «хўжалик-маиший ускуналар»ни киритди. Бунда асосий эътибор ўрганилаётган жамоани атроф-муҳит билан озиқ-овқат занжири шаклида бўладиган моддий энергетик алоқасига қаратилди. Бу гоялар бугунги кунда фанга чуқур кириб борган экотизимли ёндашувга асос бўлиб, антропоэкотизим тушунчаси яратилишига сабаб бўлди. Этноэкотизим эса антропоэкотизимнинг хусусий кўриниши бўлиб, у алоҳида масштабга эга (унинг кўлами маҳаллий жамоанинг ердан фойдаланишдаги ҳудудий чегараси билан аниқланади).

REFERENCES:

1. Наргиза Уриновна Комилова. Влияние этноэкологических культур на экосистему Ферганской долины. Вестник науки и образования 2 (12 (36)), 73-75, <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-etnoekologicheskikh-kultur-na-ekosistemu-ferganskoy-doliny>

2. Юсуфжон Исмоилович Ахмадалиев, Муроджон Насириллохон ўғли Мусаев. Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришда Хонобод туристик рекреацион зонасининг ўрни. Academic Research in Educational Sciences. Volume 3 | Issue 10 | 2022

3. Nargiza Urinovna Komilova. Territorial features of the organization of settlements. 3/6. 809-813. 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/territorial-features-of-the-organization-of-settlements>

4. NU Komilova. Ethnogeographic aspects of social environmental problems. 3/6. 12-18. 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/ethnogeographic-aspects-of-social-environmental-problems>

5. Komilova Nargiza Urinovna. Gradual study of geographic features of ethno-ecological culture. European science review, 82-84. <https://cyberleninka.ru/article/n/gradual-study-of-geographic-features-of-ethno-ecological-culture>

6. ЮИ Ахмадалиев, НҮ Комилова. Этноэкологик маданиятнинг худудий жихатлари. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=46671614>

7. Komilova Nargizahon Urinovna. Geographical roots and basic concepts of ethnoecology. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11 (4), 1748-1750.

<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=4&article=295>

8. Abdusamad Abdumalikovich Hamidov, Nargiza Urinovna Komilova. Natural Geographical Research In The Fergana Valley. The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research. 3. 06. 109-116. <https://metadataindxinggs.com/cgi-sys/suspendedpage.cgi>

9. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=FxhOcAIAAAAJ&citation_for_view=FxhOcAIAAAAJ: FxGoFyzp5QC